

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БРЕНДЛАШ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Каримова Мафтұна Нурдиновна

Мустақил изланувчи

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиши ва тадқиқотлар ҳалқаро маркази

kmaftuna538@gmail.com

+998909572585

Аннотация: Мақолада мева-сабзавот маҳсулотлари ҳалқаро бозори таҳлили, асосий экспортчи мамлакатлар, Ўзбекистоннинг улуши ва охириги йиллардаги мева сабзавот маҳсулотлари экспорт кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилишишидаги мавжуд тўсиқлар ва ривожланган давлатлар талабларига мос маҳсулот етишириши, маҳсулот брендини яратиш ва ривожлантириши зарурияти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Бренд, мева-сабзавот, экспорт географияси, экспорт миқдори ва қиймати, рақобат, ҳалқаро бозорлар.

I. КИРИШ

Дунёда бўлаётган глобал иқлим ўзгариши ва сиёсий ихтилофлар юз берайтган даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиширувчи тармоқларини барқарор ривожлантириш, давлат аграр сиёсатини стратегик вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назардан тубдан такомиллаштириш, рақамли иқтисодиёт ва инноваціон технологияларни жорий этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва илмий асосланган башоратлашнинг замонавий усусларини манзилли ва мақсадли қўллашни тақозо этмоқда. Шу боисдан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23-октябрдаги Фармонида “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли ҳалқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари брендларини яратиш ва ривожлантириш” устувор йўналишлар этиб белгилаб берилгани бежизга эмас.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳозирги даврга келиб ташқи бозорларда муқим рақобат устунликларига эга бўлмоқда ва бу тенденцияни муҳим ижобий ўзгариш сифатида баҳолаш лозим. Жумладан, мева ва сабзавот экспортидан олинган даромадлар сўнги 5 йилда кескин ўсди ва натижада етиширилган мева ва сабзавотлар маҳсулотлари экспортида авваллари кўпроқ МДХ давлатлари ўрин эгаллаган бўлса, сўнги йилларда ушбу соҳанинг экспорт географияси ва фаолият йўналишлари тобора кенгайиб бормоқда

Масалан, республикамизда етиширилган мева-сабзавот маҳсулотлари

ўзига хос таъмга кўринишга эга бўлганлиги сабабли ўзига хос бўлган экспорт географияси 2018 йилда унча кенг бўлмаган бўлса, 2022 йилга келиб кескин ошганини кўриш мумкин. Экспортнинг асосий улуши, масалан, 2018 йилда Тожикистонда Марказий Осиё давлатларига тўғри келган бўлса, 2020 йилдан эътиборан Хитой, Туркия ва бошқа давлатларга ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва экспорт бозорларини янада кенгайтиришга эришилди. Зотан, республикамизнинг экспорт салоҳиятини изчил ошириб бориш, унинг товар ва жуғрофий таркибини кенгайтириш, ташки савдо-иқтисодий фаолиятини диверсификатсия қилиш миллий иқтисодиётимизда олиб борилаётган таркибий ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида истиқболда қишлоқ хўжалигида сифат ўзгаришига эришиш, унинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш орқали давлатимизни иқтисодий юксалтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга пойдевор яратади.

ФАО маълумотларига кўра, дунёнинг экспортёр давлатлари орасида Ўзбекистон қуритилган ўрик бўйича 2-ўринда, янги ўрик - 4, олхўри - 7, карам - 8, майиз - 9, шафтоли ва узум бўйича 10 - ўринда турувчи энг йирик экспортчи давлат ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларининг нисбатан пастлиги ва маҳсулот сифатининг юқорилиги сўнгги йилларда янги, қури-тилган ва қайта ишланган мева-сабзавотлар экспортини кўпайтириш имконини берди.³²

II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги ва маркетинг масалаларига оид тадқиқотлар хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Жумладан, Т.Г. Дудар томонидан қишлоқ хўжалиги бозорининг шакллантириш хусусиятлари, мева-сабзавот бозорида маркетинг жараёнларини таҳлил қилганлар ва услубий ёндошувлар ишлаб чиқилган.³³ Р.Б. Ҳов тадқиқотида мева-сабзавот маҳсулотлари маркетингининг назарий ва услубий асослари ишлаб чиқилган, шунингдек мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида маркетингнинг аҳамияти, корхоналарда маркетингдан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.³⁴ Ф.Котлер, Ж.Ж. Ламбенлар замонавий маркетингнинг асосий йўналишларини, яъни стратегик маркетинг, маркетингни бошқариш, брэндинг, инноваціялар, интерактив маркетингнинг долзарблигига катта эътибор қаратган.³⁵

III. АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон экспортиниң қарийб 80 фоизини ташкил этувчи 25 та йирик мева экспорт қилувчи мамлакат савдосини таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда бу мамлакатлардан экспорт ҳажми 2021 йилга нисбатан 4,05 миллиард долларга ёки

³² Корректировка ТЭО. Проект развитие сектора плодоовощеводства в Республике Узбекистан с участием МБРР Книга 1 Пояснительная записка Ташкент 2018г. с. 76.

³³ Т.Г.Дудар Маркетинг в агропромышленном комплексе: теория и практика. -Тернополь: "Горлица", 1998.162 с.

³⁴ How, R. B. Marketing Fresh Fruits and Vegetables. New York: Springer-Velag, 1991.

³⁵ Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг. Менеджмент.14-е издание. -СПБ.: 2015. 800 с.

3,5 фоизга камайган. Бунга қадар жаҳон савдоси динамик равишда ўсиб бориб, 2018-2021 йилларда ўртача йиллик ўсиш 6,3 фоизни ёки йилига 6,6 миллиард долларни ташкил этган эди.³⁶

Шуниси қизиқки, 25 та лидер мамлакатдан фақат 6 тасида (ёки мамлакатларнинг тўртдан бир қисмидан камида) экспорт ҳажми ўсиши қузатилган. Бу мазкур йўналишда ёки умуман, истеъмол борасида жиддий муаммолар мавжудлигидан дарактир.

Экспортни айнан ким ошириб, ким камайтирганига назар ташласак, мева савдоси инқирозининг сабаблари ҳақидаги саволга жавоб ойдинлашади. Мева ва ёнғоқ экспортини Чили, Перу, Коста-Рика, Миср, Марокаш ва Гватемала каби давлатлар кўпайтирди. Яъни, улар мева-сабзавот бизнесининг арzon ишчи кучи каби муҳим элемент билан бирга мавсумдан ташқари етказиб бериш имкониятидан фойдаланган мамлакатлардир. Аммо Европа Иттифоқининг барча мамлакатлари, шунингдек, АҚШ, яъни, энг юқори даромад даражаси ва ишчи кучи харажатлари юқори бўлган давлатлар мевалар ва ёнғоқ экспортини сезиларли даражада камайтирди.

Дунёда сўнги йилларда қузатилаётган сиёсий низолар давлатлар ўртасидаги ихтилофлар туфайли юзага келган иқтисодий ва энергетик зарбани бошдан кечирди. Бу ишлаб чиқарувчилар учун энергия ва логистика харажатлари кескин ошиши, қолаверса, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар ўсишига олиб келди. Ва айни ҳолат Европа ҳамда Кўшма Штатларда истеъмолчиларнинг даромадлари кам ёки умуман ўсмаган шароитда юз берди. Шу сабабли, бундай шароитларда мевалар ва ёнғоққа талаб сезиларли даражада заифлашди. Яна бир сабаб – иқлим ўзгариши ва турли об-ҳаво аномалиялари натижасида ҳосил бўлган муаммолар мевалар ҳосили бой берилиши даражаси ортишига олиб келганлигидир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, савдо ҳажми пасайиши АҚШ доллари қийматида баҳоланади ва 2022 йили доллар инфляцияси сўнгги йиллар рекорд даражасидаги 8 фоиздан ошди, бу эса мевалар ва ёнғоқ бўйича жаҳон экспорти жуда кескин тарзда пасайиб кетганидан далолатdir.

Тахминан 15 миллиард доллар даромад билан ёнғоқ ва мева экспорти бўйича жаҳонда етакчи бўлган АҚШ ўз даромадининг катта қисмини бодом, хандон писта, грек ёнғоғи, сархил олма ва хўраки узум экспортидан олади. Ёнғоқдан ташқари барча ушбу позициялар бўйича экспорт тушумларида сезиларли пасайиш қайд этилган.

Испания мева экспортининг барча беш асосий тоифаси — цитрус мевалар, резаворлар, данакли мевалар, полиз экинлари ва ёнғоқнинг барча турлари бўйича экспортни кескин қисқартирди. Испаниянинг экспорт даромадлари хурмо ва хўраки узум тоифаларида ҳам пасайди.

Мексика экспортни камайтирган бўлса-да, экспортёрларнинг глобал рейтингида учинчи ўриндалигича қолди. Шу билан бирга, асосий экспорт тоифаси — авокадо динамик ўсишда давом этди. Мексикадан 2022 йилда

³⁶ <https://east-fruit.com/uz/meva-sabzavot-bozori/tadqiqotlar/global-mevasavdosi-inqirozi-kop-yillardan-buyon-eksportning-ilk-bor-qisqarishi-sabablari-tahlili/>

резаворлар экспорти деярли икки баробар камайди. Ёнгоқ экспорти ҳам қисқарди, аммо цитруслар ва полиз экинлари экспорти ҳажми ўсишда давом этди.

Нидерландия — жаҳондаги энг йирик мева реэкспортёри саноатдаги ҳолатнинг аниқ индикаторидир. Мазкур мамлакатда экзотик мевалар ва авокадо, резаворлар, цитруслар, олма, ёнгоқ ва узум экспортидан тушган даромад камайди, бироқ банан реэкспортидан даромад ошди.

Чили ўз экспортини кескин, қарийб уч баробар ошириб, мамлакат даромадининг асосий манбаига айланган хўраки узум экспортидан гиолосни ортда қолдирган ягона мамлакатdir. Айтганча, 2022 йили Чили гиолосининг экспорт даромади ҳам сезиларли даражада ошди ва рекорд даражадаги 2,1 миллиард долларга етди. Киви экспорти тушуми икки баробардан зиёдроқ ошган, Чили голубикаси ва сархил олмаси экспорти тушуми эса пасайган.

Полша асосий экспорт даромадини ташқи бозорларга музлатилган малина етказиб беришдан олади. Ушбу тоифа бўйича ўсиш 2022 йилда музлатилган мевалар тоифаси сингари рекорд даражага етди. Лекин Полшадан музлатилган қулупнай экспорти тушиб кетди. Олма ва голубика экспортидан тушган даромад ҳам камайган.

2022 йилда Россия федератсіяси билан бошланган ҳарбий низолар сабабли худудларидаги боғлари вайрон қилинган ёки зарап етказилган Украина мева ва ёнгоқ экспортини 15 фоизга ёки 55 миллион долларга камайтирди. Пасайиш даражаси уч асосий тоифа бўйича кузатилган: музлатилган малина ва бошқа музлатилган мевалар, шунингдек, грек ёнгоғи. Қолаверса, Украина нинг сархил олма, голубика ва музлатилган қулупнай экспортидан даромади ошди.

Бир неча йиллардан буён мева ва ёнгоқ экспортёрлари рейтингида Украинадан пастроқ ўринда жойлашган Молдова Россиянинг Украина даги жанговар ҳаракатлари натижасида юзага келган кўплаб қийинчиликларга қарамай, 2022 йилда экспорт ҳажмини 6 фоизга ёки 15 миллион долларга ошириди. Шу билан бирга, асосий экспорт маҳсулотлари: олма ва ёнгоқ бўйича тушумлар ҳажми 2021 йилга нисбатан деярли ўзгармаган. Аммо сархил узум, гиолос, ўрик, қуритилган олхўри ва музлатилган малина даромадлари сезиларли даражада ўсади. Шу билан бирга, Молдованинг сархил олхўри бўйича экспорт даромади кескин камайди.

Грузия экспорт тушумини 6 фоизга ёки 13 миллион долларга қисқартириди. Асосий пасайиш Грузия учун асосий экспорт тоифаси бўлмиш фундук бўйича юз берди. Грузиянинг мандарин, олма ва хурмо экспортидан тушган тушуми ҳам камайди. Бошқа томондан, голубика, шафтоли, анор, олхўри, қуритилган мевалар, лимон, бодом ва ҳатто хўраки узум каби экспорт тоифаларида экспорт ҳажмини ошириш мумкин бўлди.

Минтақамиздаги энг йирик мева ва ёнгоқ экспортёри — Туркия жаҳон экспортёрлари рейтингида саккизинчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга, Туркиядан экспорт 2022 йилда 8 фоизга ёки 424 миллион долларга камайган. Туркиядан экспорт деярли Европа Иттилоғи давлатлари ва Украина камайди. АҚШ ва Россияга етказиб бериш ҳажми ошган. Туркиянинг экспорт даромадлари

асосий экспорт тоифаси бўлмиш фундук экспорти камайиши туфайли пасайган. Олма, анжир, лимон, гилос, узум ҳам кам экспорт қилинди. Аммо сархил мандарин, ўрик, шафтоли, хандон писта ва бодом тоифаларида даромад ошган.

Ўзбекистон 2023 йилда мевалар ва ёнғоқ экспорти даромадларини 21 фоизга ёки 107 миллион долларга оширди. Шу билан бирга, экспортнинг тўрт асосий позицияси — хўраки узум, майиз, шафтоли ва хурмо бўйича даромаднинг сезиларли даражада ўсиши қайд этилди. Аммо сўнгги йилларда Ўзбекистондан гилос экспорти деярли уч баробар пасайиб, антирекорд даражага тушди, бунга об-ҳаво аномалиялари асосий сабабдир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг қуритилган олхўри, сархил олхўри, анор, қовун, тарвуз ва музлатилган мевалар экспортидан тушумлари ўсиб бораётганини қайд этиш жоиз.

Талаб пасайиши ҳар доим ҳар қандай бозорда содир бўлиши мумкин бўлган энг ёмон ҳодисадир. Мевалар ва ёнғоқ эса бундан мустасно эмас. Талаб пасайганда нархлар ҳам, одатда, пасаяди. Агар ишлаб чиқариш харажатлари рекорд даражага яқинлигича қолаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мева-сабзавот секторидаги барча корхоналар – фермерлардан тортиб, қайта ишлаш ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари иқтисодиётигача салбий таъсир кўрсатмоқда. Айнан шу ҳолат ҳозир жаҳон озиқ-овқат бозорида содир бўляпти.

IV. НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт географияси кенгайиши ижобий ижобий ўзгаришлар сифатида қабул қилган ҳолда нархлари юзасидан ҳам алоҳида тадқиқотлар ўтқазиш талаб этади. Чунки мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт ҳажмини кўпайтириш валюта тушумини оширишдан ташқари, ишлаб чиқарувчига юқори фойда қилиш ва самарадорликни оширишнинг асосий омилларидан бири эканлиги барчамизга маълум. Албатта юқори сифатли маҳсулот ҳар доим юқори нархда сотилади, лекин баъзида гувоҳи бўламизки ўзимизнинг меваларимиз арzon нархда экспорт қилинган даврда чет эт мевалари ўз бозорларимизда юқори нархлардан сотилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири маҳсулот брендининг таъсири юқорилигига.

Охирги 7 йиллик экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари тахлини амалга оширганимизда мамлакатда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифати унинг брендига таъсири юқори эканлигини кузатишимиз мумкин.

Жадвал-1

Экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари тўғрисида маълумот³⁷

Йиллар	Жами экспорт (минг доллар)	Мева-сабзавот экспорти (минг доллар)	Жами экспортда мева-сабзавотнинг улуши (% да)	Мева-сабзавот экспорт билан шуғулланувчи корхоналар сони
2018-йил	13 990 745,8	708 246,0	5,1	1 047
2019-йил	17 458 687,8	931 957,0	5,3	2 145
2020-йил	15 102 281,2	783 736,0	5,2	1 938
2021-йил	16 662 804,4	707 525,0	4,2	1 659
2022-йил	19 732 572,6	866 070,0	4,4	1 633
2023-йил	24 869 491,4	777 405,0	3,1	1 585

Жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкинни охирги йилларда жами экспорт қилинган қиймати 2018 йилда 13 990 745,8 минг доллар бўлган бўлса 2023 йилда эса 24 869 491,4 минг долларни тоннани ташкил этмоқда ва 2018 йилга нисбатан 10 878 745,6 минг долларга ёки 77 % га кўпайган. Мева-сабзавотлар экспортни кўрадиган бўлсак 2028 йилда 708 246,0 минг доллар қийматдаги мева сабзавот маҳсулотлари маҳсулот экспорт қилинган бўлса 2023 йилда 777 405,0 минг доллар қийматдаги мева сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилган ўсиш эса 2028 йилга нисбатан 69 159,0 минг доллар ёки 9 % ўсишга эга бўлган. Жами экспорт қиймати 2018 йилга нисбатан 2024 йилда 77 % ўсан бўлса мева сабзавот маҳсулотларини экспорти эса атиги 9% га ўсганлигини қўришимиз мумкин. Мева-сабзавот маҳсулотларининг жами экспортдаги улуши 2028 йилда 5,1% ни ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб унинг улуши 3,1 % ни ташкил этган. Асосий эътибор берадиган жиҳати шундан иборатки экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳам унинг жами экспортдаги улуши ҳам камайиш тенденциясига эга. Мева сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган корхоналар сони 1047 тани ташкил этган бўлса 2023 йилда 1585 тани ташкил этмоқда. Бу рақамлар шундан далолат берадики экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларнинг бирлик ҳисобидаги нархи тушаётганлигини ёки экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулот турларида ўзгариш бўлаётганлини билдиради.

Ўзбекистон экспортида энг катта улушни узум, шафтоли ва гилос эгаллади: Узум: 174 минг тонна экспорт қилиниб, \$147,2 миллион даромад келтирди. Шафтоли: 103,5 минг тонна ҳажмида сотилиб, \$96,9 миллион фойда олиб келди. Гилос: 32,2 минг тонна миқдорида экспорт қилиниб, \$70,3 миллион даромад тъминланди.

Ўзбекистоннинг экспорт географияси кенгаймоқда, маҳсулотлар эса экологик тозалиги ва табиийлиги туфайли халқаро бозорларда юқори талабга эга.

³⁷ Статистика агенлиги маълумотлари

Янги технологияларни жорий этиш ва интенсив боғдорчиликнинг ривожланиши ҳосилдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон экспорт фаолиятини ривожлантиришда қатор давлатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Бу мева-сабзавот маҳсулотларини нафақат Марказий Осиё бозорига, балки Европа, Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига етказиб беришга имкон бермоқда. Экспорт ҳажмининг ошиши мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган валюта тушумларини сезиларли равишда кўпайтиради.

V. ХУЛОСА

Иқтисодиётнинг глобаллашиши ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий муносабатларнинг мураккаблашиши давлатларни қишлоқ хўжалиги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларидан мустаҳкам ўрин эгаллаш учун ўзаро рақобат қилишга мажбур қилмоқда. Чунки, жаҳон амалиёти у ёки бу давлатнинг йирик савдо ташкилотлари таркибида фаолият юритишига қарамасдан, турли фавқулодда вазиятлар содир бўлиши давлатлараро алоқалар тизимида мураккаблик ва салбий жиҳатлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай кутилмаган вазиятлар ўз навбатида йирик халқаро бозорларда рақобатнинг кучайишига олиб келиб, қишлоқ хўжалиги ва унинг таркибий тармоқларини истиқболли ривожлантириш стратегиясини ўзгартиришни тақозо қиласди. Ўзбекистонда ҳам мева сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун етарли имкониятлари маҳжуд бунинг учун экспорт географиясини кенгайтириш ривожланган давлатларга экспортни қўпайтириш керак. Бунинг учун эса ривожланган давлатлар стандартларига мос маҳсулотлар етиштириш маҳсулот брендларини яратиш ва танитиш керак бўлади

Глобал иқлим ўзгариши ва давлатлараро иқтисодий-савдо алоқалар кўламининг кенгайиши ва маҳсулот (товар)лар айрибошлиш тизимларининг мураккаблашиш тенденцияси ўз навбатида дунё миқёсида мавжуд ва фаолият юритаётган барча ихтисосликдаги бозорларга оид ягона маълумотлар базаси таҳлил қилиш ва янги савдо ҳамкорларини топиш ва уларга мамлакатимизда етиштирилаётган мева сабзавот маҳсулотларининг афзалликларини кўрсатиб бериш "MADE IN UZBEKISTAN" брендини оммалаштириш учун ахборот-коммуникатсия технологияларини интенсив татбиқ этиш ва ривожлантиришни объектив заруриятга айланмоқда.

VI.ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Т.Г.Дудар Маркетинг в агропромышленном комплексе: теория и практика. - Тернополь: "Горлица", Москва 1998 год – 162-165 стр.
2. How, R. B. Marketing Fresh Fruits and Vegetables. New York: Springer-Velag, 1991 ear. – 7-9 pp.
3. Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг. Менежмент.14-е издание. -СПБ.: Москва 2015 год. 800-805 стр.

4. Клюкач В.А., Логинов Д.А. Маркетинг в агропромышленном комплексе: Учебник. – М.: Колос, Москва. 2010 год. – 483-489 стр,
6. Каримова М.Н. Мевачиликда маркетингга эҳтиёж ва маркетинг стратегияларининг таҳлили. «Глобаллашув ва иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анҷумани материаллари тўплами Тошкент, 2024 йил . – 381-384 бетлар
6. Мухторов, А. Х., Облоқулов, А. О. Ў., Абдукаримова, М., & Мухторова, Ч. А. (2024). ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ (ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА). *Science and innovation*, 3(Special Issue 42), 2024 йил, 79-82 бетлар .
7. Karimova M.N. Meva brendi pozitsiyasini shakllantirish yo'nalishlari. "World of science" republican scientific journal. Development, Science and education Journal (December, 2024). – Uzbekistan, 2024. – Volume 7. Issue – 12. P. 23-27.
8. Каримова М.Н. Мевачиликда бренд яратишнинг инноватсион ёндашуви ва халқаро мева брендларининг ривожланиш стратегиялари. “Агробизнес, фан ва технологиялар” илмий-амалий электрон журнали. – Тошкент, 2025 йил. № 1. – 520-526 бетлар
9. Каримова М.Н. Ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалигида маркетинг тарқатиш каналлари. “Қишлоқ хўжалигида кооператсия муносабатларини ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат занжирини яратиш йўллари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2023 йил 15-декабр). Тошкент, 2023 йил. – 204-206 бетлар
10. Каримова М.Н. Мевачиликда маркетингга эҳтиёж ва маркетинг стратегияларининг таҳлили. «Глобаллашув ва иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий анҷумани материаллари тўплами (2024-йил 15–май). Тошкент, 2024 йил. 381-384 бетлар
11. Каримова М.Н. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга таъсир этувчи омиллар ва экспорт салоҳиятини ошириш йўллари. “Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини” журнали. – Тошкент, 2024 йил. – № 1. – 248-249 бетлар
12. Каримова М.Н., Бозорова Л.Н. Қишлоқ хўжалигида маркетингнинг SWOT ва PESTEL таҳлиллардан фойдаланиш ва унинг соҳа ривожидаги ўрни. “Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини” журнали. – Тошкент, 2024 йил. – № 1. –245-247 бетлар